Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 20 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 82 (13.145)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Яқинда Латвиянинг Рига шаҳрида "Baltic Fashion & Textile Riga — 2016" XXI халқаро тўқимачилик саноати кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 17 мамлакатидан 200 дан зиёд компаниялар, шу жумладан, юртимиз вакиллари ҳам иштирок этди.

Мазкур нуфузли халқаро тадбирда кенг турдаги тўқимачилик маҳсулотлари, кундалик ва иш кийимлари, саноат ускуналари ҳамда эҳтиёт қисмлар намойиш қилинди.

Ўзбекистон миллий экспозициясидан ўрин олган йигирилган олий навли ип, юқори сифатли газламалар ва тайёр кийим-кечаклар ташриф буюрувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Шунингдек, қатнашчилар мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг барқарор ривожланиши, ипак матоларининг яратилиш тарихи, машҳур ўзбек ипаги ҳамда замонавий дизайнерлик намуналари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Модалар намойишини ўз ичига олган мазкур тадбирда ўзбек миллий ва замонавий либослари тўплами "Мафтун" номи остида тақдим этилди.

Бундан ташқари, кўргазма доирасида "Мода ҳамда дизайн: мода саноати, тенденциялари ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи" мавзуида халқаро семинар ўтказилиб, унда мезбонлардан ташқари Буюк Британия, Италия, Литва, Ўзбекистон ҳамда Франциядан келган мутахассислар ҳам соҳа бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари таъкидлаганидек, республикамизда тўқимачилик саноати миллий иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоқларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Натижада юртимиз дунё миқёсида табиий тўқимачилик матолари, пахта-қоғоз маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиларидан бирига айланаётир.

Семинарда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва афзалликлар, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, пахта толасини қайта ишлаш саноати, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Ангрен" ҳамда "Жиззах" махсус индустриал зоналарининг имкониятлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Кўргазма доирасида уюштирилган тадбирлар якуни бўйича Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини Европа давлатларига етказиб бериш тўғрисида келишувга эришилди.

Иштирокчилар Ўзбекистоннинг миллий экспозициясидаги ишлаб чиқаришга мўлжалланган йигирилган ипдан тортиб, кийим тикиш учун тайёр матолар, жумладан, ипак ва пахта ҳамда жун аралашган нимшойи газламаларга қадар кенг кўламдаги тўқимачилик маҳсулотлари ўзларини мафтун этганини эътироф этдилар.

Анатолий БУТЕНКО,
Дипломатик иқтисодий клуб котиби:

— Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари бу гал ҳам ўтган йиллардаги каби мутахассислару харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўзбек газламалари тўлиқ пахтадан тайёрланган. Бундай тоза ҳамда асл маҳсулот Европада жуда кам учрайди. Кўргазма чоғида намойиш этилган миллий ўзига хослик ва ранг-баранглик ҳам мени ҳайратда қолдирди.

Иржи РЕЙЛ,
"CzechTrade" агентлигининг Болтиқбўйи минтақаси бўйича вакили:

— Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, тури ҳамда дизайни йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кўргазма доирасида намойиш қилинган замонавий ва миллий либослар тўплами бунга яққол мисол бўла олади. Ўйлайманки, газламалардаги миллий безаклар европалик харидорлар дидига мос келади.

"Жаҳон" АА.
Рига

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов олган суратлар

Халқаро кўргазма

"ДАМ ОЛИШ ДУНЁСИ"ГА МАРҲАМАТ

Пойтахтимизда "Дам олиш дунёси" халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси бошланди

Кўргазма "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва "Буюк Ипак йўли" реклама агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Ф.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида мамлакатимизда ички ва халқаро туризм тобора кенгайиб, сайёҳлик оламининг янги-янги йўналишлари кашф этилаётганини таъкидлади. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, замонавий инфратузилманинг яратилгани, меҳмонхона ва дам олиш масканларида йўлга қўйилган юксак сифатли хизматлар сайёҳларни кенг жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакатдан биридир. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларимиз бутун дунёда қадрланади. Юртимизнинг бой маданий-маънавий мероси ва ранг-баранг табиати сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, тиббий, этник, спорт, тарихий ва маданий йўналишлари, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби кўплаб турларини ривожлантириш учун қулай имконият яратмоқда. Қадимий обидалар, хушманзара гўшалар бўйлаб янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, транспорт коммуникациялари изчил яхшиланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 530 дан ортиқ туроператор ва агентлик, 430 меҳмонхона фаолият юритмоқда. Пойтахтимиз ва вилоятларда "Radisson", "Lotte", "Wyndham", "Ramada" каби дунёга машҳур отеллар билан бирга кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун хусусий меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда.

Дам олиш туризми бутун дунёда талаб юқори бўлган соҳалардан биридир. Ушбу халқаро кўргазма Ўзбекистонда баҳор-ёз сайёҳлик мавсумини очиб берадиган ўзига хос лойиҳа бўлиб, хорижликларни мамлакатимиздаги дам олиш масканларига жалб қилиш, юртдошларимизнинг чет элга саёҳатини уюштириш, ички туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Кўргазма маҳаллий ва хорижий туроператорларга янги мавсум олдидан ўз хизматларини намойиш этиши, корпоратив мижозлар билан шартномалар тузиш, таътил мавсумига оид режалар ишлаб чиқиш учун қулай имкониятлар яратади.

Тўртинчи маротаба ўтказилаётган кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Испания, Франция, Малайзия, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Туркия, Вьетнам, Чехия ва Мальдив каби мамлакатлардан 200 фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

– Ўзбекистонда ўтказиладиган туризм ярмаркаларида бир неча йилдан бери фаол қатнашиб келмоқдамиз, – деди "Bohemia Lazne" компанияси директори Йижи Шлука (Чехия). – Компаниямиз даволаш муолажалари, экскурсия ва меҳмонхона хизматларини таклиф этиш билан шуғулланади. Кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг қатор сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирокида ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан музокара ўтказмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикасида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган фестиваль доирасида Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида турли маданий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

● Наманганда кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги механизмини татбиқ этишга бағишланган ҳудудий семинар ўтказилди.

● Андижонда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган фотокўргазма "Ўзбекистон – бағрикенг диёр" деб номланди.

ЖАҲОНДА

● Кредит берувчи мамлакатлар Грециядан иқтисодий чоралар қўшимча пакетини тайёрлашни талаб этмоқдалар.

● Мексика пойтахти Мехикодан 70 километр узоқликда жойлашган Попокатепетль вулқони "уйғонди". Унинг кратерида бир неча бор портлашлар рўй бериб, кул аралаш тутун уч километр баландликкача кўтарилган. Ушбу табиат ҳодисаси туфайли мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Дубайда ўтказиладиган улкан халқаро кўргазмага бағишлаб дунёдаги энг баланд — 828 метрлик Бурж-Халифа биносидан ҳам баландроқ иншоот қурилиши кўзда тутилмоқда. Янги бинонинг қурилишига 1 миллиард АҚШ доллари сарфланиши режалаштирилаётган бўлиб, унинг 2020 йилда битказилиши маълум қилинди.

● Эквадорда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш учун ярим миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфланади. Бу мамлакатнинг фавқулодда ҳолатлар учун режалаштирган йиллик бюджетига тенгдир. Маълумотларга қараганда, сўнгги қирқ йил ичида рўй берган энг кучли зилзила туфайли 400 нафардан зиёд киши қурбон бўлди, қарийб уч минг нафар одам жабрланди. Ўнлаб бинолар, йўллар ва кўприклар вайронага айланди.

СТОМАТОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент давлат стоматология институтида стоматологиянинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тиббиёт ходимлари, хорижлик мутахассислар, тиббиёт анжомлари ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари, талабаизланувчилар иштирок этди.

Тошкент давлат стоматология институти ректори Н.Ҳобилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 июлдаги "Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори стоматология йўналишида таълим сифатини янада ошириш, етук кадрлар тайёрлаш ва соҳани малакали мутахассислар билан таъминлашга хизмат қилаётир.

Мазкур конференциядан мақсад стоматологиянинг ривожланиш босқичлари, тиббиёт тараққиётининг инсон саломатлигини асрашдаги ўрни, болалар стоматологик касалликларини даволаш, юз-жағ жарроҳлиги, биотехнологиялар, ҳужайра ва регенератив йўналишларидаги илғор ютуқ ва тажрибаларни ўрганиш ҳамда кенг оммалаштиришдан иборатдир.

Тадбирда тиббиётнинг мазкур йўналишига оид замонавий жиҳозлар, тиш қаттиқ тўқималари патологияси, беморларни даволашга индивидуал ёндашув, ҳомиладор аёлларда тиш кариесининг келиб чиқиш сабаблари, протезлашнинг муҳим жиҳатлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуман доирасида институт битирувчилари ва илмий ходим-изланувчилар ўртасида "Энг яхши реставрация" танлови ўтказилди. Танлов жараёнида иштирокчиларнинг назарий билимни амалиётда қўллай олиши, беморлар билан мулоқот қилиш, тиш касалligини даволашда ишлатиладиган воситалардан оқилона фойдалана олиш каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар, соҳада қўлланиладиган тиббий жиҳоз ва ускуналар кўргазмаси ташкил этилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



Тошкент давлат юридик университети томонидан Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицейда "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари" мавзусида амалий семинар ташкил қилинди.

АМАЛИЙ СЕМИНАР



Ислом Исмоилов олган суратлар

Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Комиссия аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, Давлат бошқаруви академияси мутахассислари, Юнусобод туманида тузилган 63 та ишчи гуруҳ аъзолари ва Тошкент давлат юридик университети педагог ходимлари, магистрлар иштирок этдилар.

Анжуманда Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов сўз олиб, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловида қонунда белгиланган тамойилларга амал қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Маълумки, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан маҳалла институтининг ҳуқуқий мақомига конституциявий тус берилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият олиб бориши белгиланди. Ўтган давр мобайнида жамият ва давлат ҳаётида фуқароларнинг кундалик турмушида маҳалланинг ролини ошириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, маҳалланинг ролини оширишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун 2013 йилда янги таҳрирда қабул қилиниб, замон талабларига жавоб берадиган кўринишга келтирилди. Бундай ислоҳотларнинг амалга оширилиши маҳалла институти ҳар доим давлатимиз эътиборида эканлигидан ва унинг ғамхўрлигидан далолат беради.

Шу йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига биноан фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддати май-июнь ойларига белгиланди. Ушбу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ мамлакатимизда мазкур сайловни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

— Бўлажак сайловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. Бу масъулиятли лавозимларга ҳар томонлама муносиб номзодларни танлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Бошқарувининг ҳуқуқий асослари кафедраси мудири Шерзод Зулфиқоров. — Халқ ишончини қозонган, маҳалла манфаатларини ҳимоя қилишга қодир ва энг асосийси унинг равнақи учун жонкуярлик билан хизмат қилувчи номзодларнинг сайланиши маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу боис, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловнинг амалдаги қонунлар доирасида холис, очиқ-ошкора ўтишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса ҳар бир ишчи гуруҳ зиммасига юксак масъулият юклаб, сайлов жараёнига чуқур тайёргарлик кўриш ва уни пухта ташкил этишни талаб этади.

Бу борада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари сайловнинг шаффоф ўтказилишида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу мақсадга эришишда жойларда ўтказилаётган амалий семинарларнинг аҳамияти катта.

Амалий семинарда "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари", "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловига кўмаклашувчи комиссияларнинг асосий вазифалари ҳамда ишчи гуруҳ фаолияти" ҳамда "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг асосий принциплари" мавзулари юзасидан маърузалар тингланди ҳамда мазкур йўналишларда йиғилганларга батафсил маълумот берилди.

Қ.ЗОКИРОВ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси ИИВ "Қўриқлаш" бирлашмаси томонидан турли мулкчилик шаклидаги моддий-товар бойликларни ишончли қўриқлаш борасида ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари олдида турган долзарб масалаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Республика ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тизимидаги энг йирик хизматлардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ички ишлар органлари ҳузурида 177 та техник қўриқлаш пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жами ўн тўрт мингдан ортиқ ёки умумий қўриқдаги объектларнинг 61 фоизи, шунингдек, тўққиз мингга яқин фуқароларнинг хонадонлари ҳам қўриқланади.

Янги технологиялар, тезкор, қулай ва ишончли алоқа воситаларидан фойдаланиш бугунги кун талабига айланди. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори қўриқлаш тизимида ҳам замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Хусусан, ягона тизим орқали қўриқлаш-ёнғин, видео кузатув, кириш-чиқишни назорат қилиш, ҳаракатдаги автотранспортнинг мониторинги, радиотўлқин ва объектларни қўриқлаш имконини берадиган қурилмаларнинг жорий этилаётгани фуқароларимиз даҳлсизлигини таъминлаш ва осойишталикни сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алоқа коммуникациялари ва ахборот узатиш тузилмаларининг шиша толали алоқа тармоқларига ўтгани қўриқлаш тизимини ушбу тармоқда ишлайдиган ускуналар билан жиҳозлашни талаб этмоқда. Шиша толали алоқа тармоқларининг қулайлиги шундаки, бунда ахборот узатишнинг тезлиги ва ҳажми юқори бўлади. Мазкур алоқа тармоқлари орқали ахборот узатишнинг кўплаб турларини, хусусан, рақамли телефон, видео ва бошқа сигналларни узатишни амалга ошириш мумкин.

Анжуманда қўриқлаш хизматига замонавий технологияларнинг жорий қилиниши кўп қаватли биноларнинг умумий кириш эшикларини интеграллашган қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари, видео кузатув мосламалари орқали қўриқлаш, инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминлаш, кириб-чиқиш назорати ва бошқарув қурилмалари билан ишлаш каби бир қатор қўшимча хизматлар кўрсатиш имконини бериши таъкидлаб ўтилди.

Тадбир доирасида иштирокчилар соҳада қўлланилаётган замонавий технологиялар билан ҳам танишдилар.

Абдували СОДИҚОВ

ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг ўтган йилда амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалари, чора-тадбирлар режаси белгиланди.

Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси С.Турдиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилалар фаровонлигини оширишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу ёшлар бандлигини, оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Ўтган йили ҳам бу борада самарали натижаларга эришилди.

– Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, улар бандлигини таъминлаш мақсадида давлат дастурлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига партиянинг "Аёллар қаноти" фаоли Дилобар Мирраҳимова. – Бу жараёнда ташаббускор, фермер, ишбилармон аёллар сафини кенгайтириш борасидаги кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Хусусий мулк ва тадбиркорлик кафолатларини таъминлаш, иқтисодиётда кичик бизнеснинг улушини ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш, жойлардаги долзарб масалаларни ўрганиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳуқуқий маслаҳат

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИГА САЙЛОВЛАР — МУҲИМ ЖАРАЁН

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар қандай ваколатларга эга?

— Комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этади;

ҳовлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллиги нормасини белгилайди;

ишчи гуруҳлардан кейинчалик тегишли туман, шаҳар ҳокимлари билан келишиш учун фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланадиган бюллетенлар намуналари мустасно;

ишчи гуруҳларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари билан боғлиқ ахборотни эшитади;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқаради ҳамда Сенат Кенгашининг комиссиясига ахборот тақдим этади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи қай тартибда тузилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ишчи гуруҳ ўз фаолиятини тугатади.

Ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

— Ишчи гуруҳнинг ваколатлари нималардан иборат?

— Ишчи гуруҳи ваколатларига қуйидагилар киради:

фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказади;

ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузади;

тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг такрорий сайлови, шунингдек бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

"ДАМ ОЛИШ ДУНЁСИ"ГА МАРҲАМАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазмага келган юртдошларимиз ва нуфузли хорижий сайёҳлик фирмалари вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, мафтункор табиат ва тарихий обидалар акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик маршрутлари, туризмнинг турли йўналишлари, хусусан, тиббий туризмга оид маълумотлар билан танишмоқда.

"Дам олиш дунёси" барча замонавий йўналишларни ўзида мужассам этган. Жумладан, унда ички ва халқаро туризм, илмий ва соғломлаштириш туризми, сайёҳлик маъмуриятлари ва миллий офислар, туризм агентликлари ва туроператорлар, меҳмонхоналар, санаторий-курорт мажмуалари, дам олиш масканлари, авиаташув, транспорт ва суғурта компаниялари, онлайн бронлаштириш тизимлари каби бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда ички туризм ҳам тобора ривожланмоқда. Ҳар йили кўплаб ватандошларимиз юртимиз бўйлаб саёҳат қилмоқда. Вилоятларнинг ўзига хос имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларга мувофиқ маданий мерос объектларини реставрация қилиш, туризм объектларини қуриш ва таъмирлаш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон миллий павильонида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Унда ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар, сайёҳлик агентликлари, "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ҳудудий бўлимлари хизматлари таклиф этилаётир.

"Дам олиш дунёси"да илк марта иштирок этаётган Сирдарё вилоятининг экспозицияси кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

– Вилоятимизда экотуризм, тиббий, маданий ва спорт туризми каби сайёҳликнинг замонавий турларини ривожлантириш бўйича қулай имкониятлар мавжуд, – дейди "Сирдарётуризм" масъулияти чекланган жамияти бош директори Хайрулла Жўраев. – Халқаро ва ички туризмни тараққий эттириш мақсадида дарё бўйларида дам олиш масканлари ташкил этилган. Ярмаркада маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш, мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ва шартномалар имзолашни режалаштирганмиз.

Кўргазма доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенг жалб қилиш борасида чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр алмашилади, ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади. Хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланади.

Кўргазманинг дастлабки кунида "Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантириш ҳолати ва истиқболлари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда тиббий туризмни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Юртимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида санаторий-курортлар тизими кенгайтирилмоқда, натижада хушманзара гўшаларнинг туризм салоҳияти ошиб бораётир.

Тиббий туризм сайёҳларга санаторий-курорт масканларида дам олиш билан бирга даволаниш имконини ҳам беради. Маҳаллий ва хорижий экспертлар, тиббиёт муассасалари, сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда Ўзбекистонда тиббий туризм имкониятлари, бу борада сайёҳларга таклиф этилаётган хизматлар, тармоқда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Кўргазма доирасида ташкил этилган "Hosted Buyers" ("Профессионал харидорлар") дастури учрашувларида хорижий компаниялар раҳбар ва менежерлари мамлакатимиздаги сайёҳлик йўналишлари билан танишиш, ҳамкорлик ўрнатиш ва ўзаро манфаатли шартномалар тузиш имконига эга бўлмоқда. Ушбу дастур истиқболли шериклар ва харидорлар ўртасидаги учрашувларни олдиндан белгилаш, уларга муайян имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кўргазма доирасида "Ипак йўли лаззати" миллий таомлар фестивали ўтказилади. Унда иштирокчилар миллий таомларимиз, саховатли заминимизда етиштирилган сархил мева-сабзавотлардан баҳраманд бўлади. Балиқчилик хўжалигига бағишланган стендларда Ўзбекистон балиқчилик тармоғи билан яқиндан танишиш, турли балиқ маҳсулотларини татиб кўриш имконига эга бўлади. Фестивалда соҳага оид сайёҳлик фирма ва компанияларининг тақдимотлари ҳам ўтказилади.

"Дам олиш дунёси" халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти билан кенгроқ таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг Ўзбекистон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлашига кўмаклашиш, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиш, ички туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

2-Тошкент юридик коллежи 1967 йилда ташкил топган бўлиб, мазкур ўқув даргоҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўрта махсус касб - ҳунар таълими марказининг 2003 йил 30 сентябрдаги 233-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 ноябрдаги 161-сонли буйруғига биноан коллеж мақомини олди ва "юриспруденция" йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйди.



Таълим

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Ўқув юрти коллежи сифатида фаолият бошлаши билан 2003-2004 ўқув йилида қайтадан таъмирланди ва катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб борилгани сабабли ўқитувчи ва ўқувчиларга замонавий ўқув лаборатория хоналари, кафедралар учун алоҳида хоналар, "Маънавият ва маърифат" хонаси, 75 ўринли маърузалар хонаси, кутубхона, 120 ўринли қироатхона ва 2 та спорт зал фойдаланишга топширилди.

Таълим масканида 12 та тармоқни қамраб олган ҳолда ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқшуноси ҳамда ҳуқуқшунос йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.

Бугунги кунда коллежда таълим олаётган 3 мингга яқин ўқувчиларга 160 нафардан ортиқ малакали ўқитувчилар таълим беришади. Бу ерда ҳар жиҳатдан фаол, билимли, зукко ўқувчиларни учратиш мумкин.

— Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 10-умумтаълим мактабида ўқиганман, ҳуқуқшуносликка қизиққаним боис 2-Тошкент юридик коллежига ўқишга кирдим, — дейди коллежнинг 2-босқич ўқувчиси Шоҳруҳ Шомуродов. — Бу ерда биз ўқувчилар учун барча шароитлар яратиб берилган. Ўзим "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти сардориман, ҳар ҳафтада муайян бир тадбир ўтказилади, уларда фаол иштирок этаман. Коллежни битириб Тошкент Давлат юридик университетида ўқишни давом эттириш ниятидаман.

— Коллежимиздаги ораста қизлар клуби аъзосиман, — дейди ҳуқуқшунос йўналиши 3-босқич ўқувчиси Ҳамида Ортиқова, — дарсларда ҳуқуқий билимларимни бойитиб боришга интиламан, келажакда божхона соҳаси ходими бўлмоқчиман.

— Коллежимизда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб борилади, – дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нодир Қосимов. — Ёшларни миллий истиқлол ғояси ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Яқинда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигини кенг нишонладик. ИИВ академияси билан ҳамкорликда ўтказган тадбиримизда эса одам савдосининг мудҳиш оқибатлари ҳақида сўз юритилди.

Ўқувчилар ҳуқуқий фанлардан олган билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлайдилар ва ўқув амалиётини турли юридик идораларда ўтайдилар.

2014-2015 ўқув йилида 2-Тошкент юридик коллежини 839 нафар ўқувчи тамомлади. Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, ўқув-тарбия жараёнини илмий методик асосда ташкил қилиш ва бошқаришда билим даргоҳи жамоаси сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

2-Тошкент юридик коллежини муваффақиятли тугатган ўқувчиларни республикамизнинг меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимларида, ички ишлар бошқармаларида, ФҲДЁ бўлимларида, адвокатура ва нотариал идораларда ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқларида кўриш мумкин.

Даврон НУРМАТОВ



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида Республика ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари томонидан ташкил этилган "Оилаларда соғлом маънавий муҳитни таъминлашнинг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ОИЛАЛАРДА СОҒЛОМ МУҲИТ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

"Оқшом" тантаналар кошонасида бўлиб ўтган ушбу тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбек миллий академик драма театри, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унга тумандаги "Навбаҳор", "Боғистон", "Дўстлик", "Оқтепа", "Лутфий", "Қатортол", "Чўпон ота", "Кўтарма" каби маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ҳамда ҳозирда кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат онахонлар таклиф этилдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан, Чилонзор тумани Хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Раҳимжонова, туман бош имом-хатиби Ҳусниддин қори Абдукаримов, юридик фанлари номзоди, профессор Омина Каримова ва бошқалар республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро жаннатмакон юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиши кераклиги, хушёрлик ва огоҳлик давр талаби эканлиги, оилаларда муҳитни мустаҳкамлашга эътибор қаратиш лозимлиги, қолаверса, бу жараёнларда маҳалланинг тутган ўрни катта аҳамиятга эгалиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Маълумки, Чилонзор тумани асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Кўпинча бу ерда яшайдиган оилалар бир-бирларини ҳатто яхши танимайдилар ҳам. Ана шу кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, бирдамлик, дўстлик, оилаларда тотувлик бўлиши кераклиги ҳақида тушунчалар бериб боришни ҳар биримизнинг бурчимиз деб биламан. Бу борада биз Лутфий номли маҳалла фаоллари билан турли йиғилиш ва давра суҳбатлари ўтказиб турамиз, — дейди "Лутфий коммуналчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Гулноза Ҳотамова.

Шунингдек, давра суҳбатида чет элларга ишлаш учун чиқиб кетаётган фуқароларимиз орасида хотин-қизларнинг ҳам борлиги, уларнинг кўпчилиги хорижда одам савдоси қурбонига айланиб қолаётгани, бунинг олдини олишда, энг аввало, оилаларда маънавий-маърифий ва маданий ҳамда тарбиявий муҳитни яратишга катта эътибор қаратиш масалалари бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир якунида Ўзбек миллий академик драма театрининг санъаткорлари – Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова ҳамда иқтидорли актёр ва хонанда Шарофиддин Музроповлар ўзларининг бадиий ва мусиқали чиқишлари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этишди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ
Козим Ўлмасов олган сурат

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тиббиёт соҳаси ривожланиши натижасида айнан она ва бола саломатлигига эришиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг мақсади ва вазифалари жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандлар тарбиялашни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, оилаларда соғлом авлоднинг туғилишига эришиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини оширишдан иборатдир.

Юртимизда биринчи маротаба Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги қарори билан "Соғлом авлод учун" фонди "Тиббий-ижтимоий патронаж" тизими ташкил этилган. "Тиббий-ижтимоий патронаж" тизими доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тиббий диагностика техникаси билан жиҳозланган "Автоамбуланс"-ларда шифокорлар бригадалари маҳаллаларда, чекка қишлоқ ва овулларда фаолият олиб бормоқдалар.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш ҳамда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тайёрлаш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун хорижий (ТИКА) Агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан 10 дона "Mercedes Benz" русумидаги мобиль клиникалар ажратилди.

Пойтахтимизда мазкур ажратилган автоамбуланслар Фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳудудий филиаллари кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаларига тантанали равишда топширилди.

— Ҳар қандай миллатнинг асосий бойлиги – оналар ва болалар саломатлигидир, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди матбуот котиби Аббосжон Эргашев. — Шундай экан, оналар ва болалар саломатлигини асраш миллат келажагини муҳофаза қилиш билан баробардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, ўтган ҳар бир йил ўз мазмун-моҳиятига эга бўлиб бормоқда. Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой, интеллектуал салоҳиятли ёш авлодни тарбиялаш борасида 2016 йил "Соғлом она ва бола йили"да кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ажратилган автоамбуланслар келажакда чекка ҳудудларда яшаётган аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олади.

Тантанали маросим давомида Учтепа туманидаги 5-сонли мактабгача таълим муассасасининг "Ором" болалар ашула ва рақс гуруҳи ва Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг оркестр жамоасининг куй ва қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Тадбир якунида мазкур ажратилган автоамбуланслар калити "Соғлом авлод" халқаро фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилояти ҳудудий филиаллари кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаларига тантанали равишда топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЖАСОРАТ ВА САДОҚАТ НАМУНАСИ

Мана, салкам ўн икки йилдирки катта сержант Фарҳод Норпўлатов пойтахтимиз аҳолисининг барча қисмини содир бўлиши мумкин бўлган турли тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш, бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ва ўргатиш ишларини ташкиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди Радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик) муҳофаза гуруҳи командири катта сержант Фарҳод Норпўлатов 2004 йилнинг март ойидан бошлаб ФВВ тизимида хизмат фаолиятини бошлади. 2004-2009 йилларда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида РКБ(Б)М бўлими, РКМ бўлинмаси етакчи мутахассиси, 2009 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Қутқарув отряди РКБ(Б)М гуруҳи командири лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида катта сержант Фарҳод Норпўлатов самарали хизмат қилиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини намоён қилди. Хизмат фаолияти давомида орттирган тажрибаси ва маҳоратини ишга солди. У вазирлик тизимида ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашиб юқори натижаларни қўлга киритишга интилди. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Хусусан, 2007 йилда ўтказилган "Республика қутқарувчиларининг кўп кураш мусобақаси"да РКБ(Б)М гуруҳи таркибида иштирок этиб, биринчиликни эгаллади ва "Энг яхши кимёгар-қутқарувчи" унвони ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазири томонидан "1-тоифали қутқарувчи" даражаси берилди.

Хизмат фаолияти давомида шаҳар ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда жароҳатланганларни қутқариш, сув ҳавзалари, каналлар тубига чўкканларни излаб топиш ишларини ташкиллаштиришда ҳамда радиацион, кимёвий моддалар билан боғлиқ аварияларда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда салкам ўн икки йиллик фаолияти давомида 8300 дан ортиқ турли тусдаги авария-қутқарув ишларида ва 140 дан ортиқ сувга чўкканларни излаб топиш ишларида жонбозлик кўрсатган.

Қаҳрамонимиз юқоридаги юмушлар билангина шуғулланиб қолмайди. Айни кунларда пойтахтимиз ҳудудида жойлашган ўта муҳим, тоифаланган, кимё, ёниш, портлаш хавфи бор объектлар раҳбарлари ва мутахассисларини Фуқаро муҳофазаси бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда амалий ёрдам кўрсатиш билан бир қатор тоифаланган объектлар билан ҳамкорликда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ишларида иштирок этиб келмоқда. Тошкент шаҳар Фуқаро муҳофазаси хизматлари билан мунтазам равишда ўзи эгаллаган билим ва кўникмалари бўйича тажриба алмашади.

Юқоридаги самарали хизматлар ҳисобга олиниб, катта сержант Фарҳод Норпўлатов Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотини олишга лойиқ, деб топилди ва у Президентимиз Фармонига кўра "Содиқ хизматлари учун" медалига сазовор бўлди.

Азамат СУЮНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

МЕНИНГ БИЗНЕС ҒОЯМ

Мирзо Улуғбек тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан "Менинг бизнес ғоям" танлови бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, ушбу танлов 2008 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Уни ўтказишдан мақсад коллеж ва академик лицей битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш, улар ўртасида бизнес кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. Икки кун давомида бўлиб ўтган тадбирда дастлаб бизнесни ташкил этиш юзасидан семинар тренинглар бўлиб ўтди.

— Мирзо Улуғбек туманида 12 та коллеж ва академик лицей мавжуд, — дейди "Камолот" ЁИҲ Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази координатори Эъзоза Рустамова. — Танловга 1435 та иншо йиғилди, уларнинг энг саралари танлаб олинди.

— Ушбу танловда ўз бизнес ғоям билан иштирок этмоқдаман, — дейди Тошкент геодезия ва картография коллежи 3-босқич ўқувчиси Сабоҳат Адашева. — Келгусида гўзаллик салони очмоқчиман, унда асосан миллийлигимизга кўпроқ аҳамият қаратаман.

— Менинг ғоям ичимлик суви ишлаб чиқаришга йўналтирилган, — дея суҳбатимизга қўшилди шу коллежнинг битирувчиси Севара Абдуллаева, — бунда дизайн ва сифатга эътибор бермоқчиман. Бу соҳага келажакда янгиликлар киритиш ниятим бор.

Тадбир давомида тижорат банклари мутахассислари ёшларга бизнесни ташкил этиш, кредит олиш шартлари, уни мақсадли ишлатиш тартиблари ҳақида тушунчалар беришди.

Танловда 120 нафар коллеж ва академик лицей битирувчилари иштирок этишди. Унда ғолиб бўлганлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди, 15 нафар энг яхши бизнес ғоя эгаларига кўрик-танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган давра суҳбати "Таълим муассасаларидаги "Васийлик кенгаши" фаолияти ва қўшимча пуллик хизматларнинг ташкил этилиши" мавзусига бағишланди.

Унда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбар ва масъул ходимлари, ТХТМФМТТЭБ мудирлари, педагоглар, молия, солиқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини ўтказишдан мақсад васийлик кенгашининг фаолиятини қонуний йўлга қўйиш, асоссиз пул йиғимларининг олдини олиш ҳамда қўшимча пуллик хизматларни ташкил этиш самарадорлигини оширишга қаратилди.

Яқинда пойтахтимизда 105 та умумтаълим мактаби ва 55 та мактабгача таълим муассасаларида, 8 мингдан ортиқ ота-оналар иштирокида сўровнома ўтказилган. Унда ота-оналар пул йиғимларининг тўхтамаётганлигини эътироф этишган.

Давра суҳбатида дастлаб фуқаролар томонидан келиб тушган саволларга жавоб берилди. Унда сўзга чиққанлар мавзунинг долзарблиги, кейинги пайтда ота-оналар томонидан айрим таълим муассасаларда асоссиз пул йиғишлар давом этаётганлиги, эътирозларнинг ошиб бораётганлиги ҳақида мухтасар тўхталиб ўтишди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012 йил 13 июндаги 185-сон буйруқ билан тасдиқланган "Халқ таълими муассасаси Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳужжат Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган. Айтиш ўринлики, Васийлик кенгашининг асосий вазифаси таълим муассасасида ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг тўлақонли таълим-тарбия олишлари учун қулай соғлом муҳитни яратиш, таълим муассасасининг ўқув ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, таълим муассасаси ўқувчилари ва тарбияланувчиларнинг маънавий-маърифий ҳамда маданий-спорт тадбирларида иштирок этишлари учун шарт-шароит яратишда таълим муассасаси раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш, таълим муассасасида дарсдан ташқари машғулотларни ташкиллаштириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш каби асосий мақсадлар мужассам. Шу билан бирга йиғилаётган пулларни қонуний, айнан расмийлаштириш юзасидан ҳам тегишли бандлар бор, яъни ҳомийлик ёрдамларини кирим қилган ҳолда уларни карточкалар орқали ишлатиш ҳақида кўрсатмалар бериб ўтилган. Аммо айрим ҳолларда шу ҳужжатнинг шаффоф ишламаётгани муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Давра суҳбатида Халқ таълими вазирлиги ва бош бошқарма мутахассислари, солиқ, прокуратура, молия вакиллари мавзу юзасидан берилган саволларга жавоб беришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари очиқлиги тўғрисида"ги Қонун талаблари ва Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 10 ноябрдаги "Халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида ноқонуний пул йиғимларининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар" режаси асосида таълим муассасаларида "Васийлик кенгаши" фаолияти, қўшимча пуллик хизматлар ташкил этиш, ота-оналардан асоссиз пул йиғимларининг олдини олиш масалалари муҳокама этилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Тошкент солиқ коллежида "Солиқ билимлари — болаларга" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туманлар босқичида 1-ўринни эгаллаган ғолиб ўқувчилар иштирок этишди.

СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ — БОЛАЛАРГА



Айтиш жоизки, ушбу танловда умумтаълим мактабларининг 1-4-синфларида "Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири", 5-9-синфларда "Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши", академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзусидаги энг яхши иншо, "Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади" мавзусидаги компьютер тақдимоти йўналиши номинациялари бўйича ўқувчилар ўз ижодий ишлари билан иштирок этишди.

Ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишларини Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ходимларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди.

Маълумки, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган ушбу танлов ўқувчи ёшларни ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш, хусусан солиқ соҳасидаги билимларини кенгайтириш, солиқларнинг нима сабабдан жорий этилганини, уни қандай мақсадларга ишлатилишини, мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган жамиятни қуришда унинг ролини англаб етадиган, ҳар томонлама етук мутахассис ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими, Солиқ кодекси нормаларини ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш, уларнинг солиқ саводхонлигини ошириш, солиқларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий аҳамиятини тушуниб етишларини таъминлаш мақсадида барча умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида солиқ маданияти ва саводхонлигини шакллантириб бориш мақсадини ҳам қамраб олган.

Қизғин баҳс-мунозаралар билан, ўқувчи-ёшларнинг саводхонлик даражаси баҳоланган ушбу танловда ҳар бир номинация бўйича 1-ўринни эгаллаган ғолиблар ўз ижодий ишлари билан танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

Спорт янгиликлари

ЧЕМПИОН ЯНА ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган XXV мамлакат чемпионатининг 5-тур учрашувларидан кейин амалдаги чемпион "Пахтакор" жамоаси яна муҳим икки очкодан маҳрум бўлди.

Зарафшонда "Қизилқум" меҳмони бўлган пахтакорчилар муросасиз ва шиддатли кечган учрашувда муроса йўлини танлашга мажбур бўлишди. Ўйин 2:2 ҳисобида якунланди. Дарвозаларни "Қизилқум"дан — Клисяшвили, Шодмонов, "Пахтакор"дан — Сергеев, Тожиев аниқ нишонга олишди.

Ўз майдонида "Олмалиқ" жамоаси билан куч синашган "Бунёдкор" командаси эса қизиқарли курашларга бой баҳсда 4:2 ҳисобида зафар қучди. Шу куни мухлислар "Бунёдкор"дан — Шомуродов, Насимов (2 та), Ҳамдамов, "Олмалиқ"дан — Тожиев (пенальти), Исмоилов томонидан дарвозаларга киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Локомотив" — "Машъал" — 3:1, "Насаф" — "Қўқон-1912" — 1:0, "Металлург" — "Обод" — 2:1, "Навбаҳор" — "Шўртан" — 3:1, "Нефтчи" — "Суғдиёна" — 0:1, "Бухоро" — "Андижон" — 5:2

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Германиянинг Котбус шаҳрида бўлиб ўтган спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босқич беллашувларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ўзининг навбатдаги ишончли ғалабасини қўлга киритди.

ГЕРМАНИЯДАГИ МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Вакиламиз ўзининг севимли йўналиши ҳисобланган таяниб сакраш машқларида барча рақибаларидан кўра юқори балл тўплаб биринчи ўринни қўлга киритди. Оксана ушбу натижаси орқали олдинда кутиб турган Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган олимпиадага йўлланма берувчи квалификацион мусобақага юқори спорт формасида келаётганини кўрсатди.

Ушбу мусобақада жаҳоннинг юздан зиёд энг сара спорт гимнастикачилари ғолиблик учун кураш олиб борганлигини таъкидлаш ўринлидир.

КУРАШЧИЛАРИМИЗ БЕЛЛАШДИ

Юнон-рум ва эркин кураш бўйича бу йилги ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатига Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳарлари мезбонлик қилди.

Турнирда Республика Олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчилари саккиз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқорисидан ўрин эгаллаб, мухлису мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, мусобақанинг сўнгги кунлари оғир вазнли курашчилар иштирокида ўтгани боис жуда қизғин ва шиддатли лаҳзаларга бой бўлди.

Дастлаб 85 килограммгача вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди. Унда Республика Олимпия заҳиралари коллежи талабаси Давлат Расуловга тенг келадиган спортчи топилмади. Шундан сўнг 100 килограммгача бўлган полвонлар гиламга чиқди. Бу баҳсларда Тошкент вилояти вакили Дониёр Оҳунов-нинг қўли баланд келди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Тиббий маданият

АЛЛЕРГИЯ: КЎЗ ИЛҒАМАС КАСАЛЛИК ЭМАС

Иккинчи синфда таҳсил олаётган Азизбек ҳар йили баҳор фаслини орзиқиб кутади. Табиатнинг гўзал манзаралари қўйнида, айниқса дов-дарахтлар гуллаган, буталар куртак очган, гуллардан хушбўй ҳид таралаётган ҳузурбахш дамларда ўртоқлари билан масза қилиб ўйнашни ёқтиради. Лекин мавсумий касалликлар қўзғаладиган айни баҳор ва куз фаслларида Азизбекнинг тоби қочиб, унда тўсатдан ўткир тумов, кўз қизариши ва ёшланиши кузатилади. Томоғи бўғилиб, иссиғи чиқади, ҳолсизланади.

– Ўтган саккиз йил давомида Азизбекнинг бу ҳолатини онаси грипп ёки шунчаки шамоллаш, дея унга турли антибиотикларни ичирган, – дейди шифокор-аллерголог Қутбиддин Низомов. – Болада гул чангларига нисбатан кучли аллергия кузатилади. Аллергик касалликларнинг 80 фоизи айнан ўсимликларнинг гулчанглари сабабли юзага келади. Азизбекда эрталаб тинмай акса уриши, кейин эса ўз-ўзидан йўтал хуружсимон тус олади ва нафас қисиши ҳолатлари кучайиб боради. Агар шифокор назоратида даволанмаса, нафас қисиш оқибатида бронхиал астма ёки чанг астмаси юзага келади.

Кейинги йилларда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё миқёсида аллергик касалликлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Аллергия юнонча "аллос" – бегона, "эргос" – таъсир сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у организмнинг бегона ёт моддаларга ўзгача таъсир қилиш хусусиятини англатади. Ана шу бегона моддалар тиббиёт тилида аллергенлар, деб аталади. Озиқ-овқат, дори, уй-рўзғор, ўсимлик гуллари чангидан пайдо бўладиган аллергенлар мавжуд. Шунингдек, аллергиянинг келиб чиқишига айрим экологик омиллар, асабийлашиш, бир пайтнинг ўзида турли дори воситаларини истеъмол қилиш, кундалик тановул қилинадиган озиқ-овқатларга турли консервантлар, сунъий бўёқларнинг қўшилиши сабаб бўлади.

Масалан, аллергик ринит касаллиги икки турда, яъни йил давомида кечувчи ва мавсумий ҳолатларда кузатилади. Аллергик тумов хасталиги худди шамоллаш аломатига ўхшаб кечади, яъни бемор акса уради, бурундан сув келади, томоқ, қулоқ қичишади, кўз қизаради.

Аллергик касалликлар ичида энг кўп тарқалгани – бу поллиноз (инглизча "ўсимлик чанги") касаллиги бўлиб, ўсимликлар гуллаганда гул чанглари сабабли келиб чиқади. У нафақат дарахтлар гуллаган ва чанги тарқаладиган баҳор мавсумида учрайди, балки таркибида ўсимлик чанги антигени бўлган озиқ-овқатларни истеъмол қилганда ҳам кучайиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу касалликлар билан хасталанган беморларнинг 15-20 фоизи шифокорга мурожаат этишса, қолган беморлар билиб-билмай антибактериал воситалардан фойдаланишар экан. Бунинг оқибатида уларда турли хил хасталиклар пайдо бўлиши табиий ҳол. Айнан қайси аллергенга аллергия борлиги махсус текширув натижасида аниқланади ва шунга кўра даволаш усуллари тавсия қилинади. Энг аввало, аллергияни қўзғатиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилмаслик лозим. Буларга от ва парранда гўшти, нўхат, дуккакли ўсимликлар уруғларидан тайёрланган таомлар, ёнғоқ, асал, ҳолва, писта, бодом, шоколад, қизил мевалар – гилос, олча, малина, цитрусли ва тропик мевалар, рангли чанқовбосди ичимликлар киради.

Сунъий матодан тикилган кийим кийиш, ўткир ҳидли атир-упалардан фойдаланиш мумкин эмас. Хасталикнинг олдини олиш учун мумкин қадар аллергендан узоқда бўлиш, унинг гуллаш даврида ҳаво алмаштириш, иқлими намроқ ерларда дам олиш тавсия этилади. Шунингдек, полиноз билан касалланган инсонлар ўз организмларини, айниқса юқори нафас йўлларини чиниқтиришлари лозим.

Шифокорларнинг таъкидлашича, кўпинча ота-оналар ёш болаларга мумкин бўлмаган турли сунъий бўёқли газли ичимликлар, маринадли, майонезли, дудланган озиқ-овқатлар беришади, ушбу маҳсулотларни нафақат ёш болалар, балки аллергияга мойиллиги бор ҳар қандай ёшдаги инсонлар истеъмол қилмагани маъқул экан. Чунки, бу маҳсулотлар ҳазм жараёнини бузади ва турли хил қўринишдаги оғир аллергик хасталикларга сабаб бўлади.

Аллергияга мойиллиги бўлган инсонлар уй шароитида фақатгина 1 стакан илиқ сувга 1 чой қошиқ туз солиб, бурнини 1 кунда 1 маҳал чайиб туриши мумкин. Шу билан бирга, уйдаги чангларни тузли сув билан тозалаб туриш касаллик қўзғалмаслигида яхши самара беради. Шунингдек, беморларга пар ёстиқ ва кўрпалардан фойдаланиш ҳамда сунъий толали матолардан тикилган кийим-кечакларни кийиш тавсия этилмайди. Ўсимлик гуллари чангига сезувчанлик юқори бўлганда эрталаб уй дераза-ларини соат 10-11 га қадар очмаслик, машина ойналарини ҳам ёпиб юриш, кўзга нимқора кўзойнак тақиш, кучли шамолда сайр қилмаслик, уйга киргач эса енгил душ қабул қилиш лозим. Аёллар ҳомиладорлик пайтида тез-тез шифокор кўригидан ўтиб туриши лозим. Бу даврда улар аллергия қўзғовчи таомларни – аччиқ овқатлар, цитрус мевалар, газланган ичимликларни истеъмол қилмаслиги керак.

– Эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ер юзи аҳолисининг 30 фоизи аллергиядан азият чекади, – дейди Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази маслаҳат-поликлиникаси шифокори, тиббиёт фанлари доктори Васила Алиева. – 1997 йилда 29 май – "Халқаро астма ва аллергияга қарши курашиш куни", деб эълон қилинган. Шундан сўнг мамлакатимизда бронхиал астма таълим дастурини яратиш ишлари кучайди. Пойтахтимизда ва 7 вилоят шифохоналари қошида "Аллергия ва астма" мактаблари ташкил этилган. Унда малакали шифокор-аллергологлар беморларга касалликнинг олдини олиш, даволаш бўйича ўқув машғулотларини ўтказишади. Агар бемор аллергик касалликларни вақтида даволамаса, унинг оқибатлари ногиронликка сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун касалликнинг олдини олишда ва даволашда тўғри ташхис қўйиш, даволаш ҳамда ўзини-ўзи бошқаришга алоҳида урғу берилади.

Касаллик ирсиятга ҳам боғлиқ. Агар ота-онанинг биронтасида ушбу касаллик кузатилса, болаларда ҳам унга мойиллик бўлади. Агар ушбу хасталикка эътиборсизлик билан қаралса, у янада чуқурлашиб кетади. Оддий мисол, бурундан бошланган ринитни даволамаслик оқибатида у ларингит, бронхит ва кейин бронхиал астмага айланиши мумкин. Ёки тери аллергияси – дерматитни олайлик. Эътиборсизликдан эритродермия касаллиги пайдо бўлади. Шунинг учун аллергияга хос бўлган белгиларни сезганда, дарҳол мутахассисга мурожаат қилган маъқул. Шифокор кўрсатмаларига риоя қилиш, буюрилган муолажаларни ўз вақтида қабул қилиш касалликни енгишга, ундан батамом қутилишга ёрдам беради.

– 2008 йил мамлакатимизда ҳар 200 минг аҳолига бир нафардан аллерголог-иммунолог бўлиши кераклиги тўғрисидаги меъёр қабул қилинганидан сўнг, бу касалликнинг ташхиси ва даволаш стандартлари янги босқичга кўтарилди, – дейди Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Озод Назаров. – Натижада гипоташхис 42 фоизга, аллергик ринит бўйича операциялар 37 фоизга камайди. Эндиликда марказимизга мурожаат қилган беморларга касаллик тинч ҳолатда, яъни қиш фаслида текширув ўтказиб, қандай белгилар асосида аллергияга мойиллиги аниқланса, шунга қарши эмлаш ўтказилади. Агар бемор касаллик қўзғаган айни баҳор ва куз мавсумида келса, унга зудлик билан даво чоралари кўрилади.

Ҳар биримизнинг саломатлигимиз ўз қўлимизда. Зеро, табобат султони Абу Али ибн Сино шундай ёзади: "Касалликни даволашда биз уч кишимиз, мен бемор ва касаллик. Агар бемор касаллик тарафга ўтса, мен ёлғиз қолиб, улар билан курашишга кучим қолмайди, бемор мен тарафга ўтса, биргаликда касалликни енгишимиз осон кечади".

Азима ҚИЁСОВА

Анжуманлар

ЕТТИ иқлимда машҳур

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан Темурийлар тарихи Давлат музейида "Амир Темур – буюк давлат асосчиси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси М.Ходжиматов, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, "Ўзбекистон-Ҳиндистон" дўстлик жамияти раиси ўринбосари Б.Абдуҳалимов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Криста Пиккат, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Х.Файзиевлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

— Ҳаётлик чоғидаёқ шон-шуҳрати етти иқлимга етган Амир Темур фаолияти ҳақида бугун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида тарихшунос олимлар илмий изланишлар ўтказиб, Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Ўтган давр мобайнида Европада ушбу буюк саркардага бағишлаб ёзилган асарлар салмоғи 500 га етганлиги, Осиёда эса 900 дан ошганлиги фикримизнинг яққол далилидир, — дея таъкидлади маърузаси давомида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси М.Ходжиматов.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихи олдидаги хизмати каттадир. У Мовароуннаҳр ва Хуросондаги мавжуд тарқоқликка барҳам бериб, мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилди ва марказлашган қудратли давлатга асос солди. Вайрон бўлган шаҳарларни тиклаб, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва зироатчиликнинг ривожланишига шарт-шароит яратиб берди. Бунинг натижасида мамлакатда илм-фан ва маданият тараққиёти юқори даражага кўтарилди.

Шунингдек, тадбирда "Амир Темур даврида илм-фан ва маданият", "Амир Темур моҳир саркарда ва буюк бунёдкор", "Амир Темур давлати ташқи алоқалари тарихидан" мавзуларда маърузалар тингланди.

Фикримиз сўнгида шуни таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон босиб ўтган буюк ва эзгу йўл ёшларимизни жасур ҳамда мард бўлишга, Ватанни севиш ва унга содиқ фарзанд бўлишга ундайди.

Зафар НАЗАРОВ

Экология

Ёшлар табиатни асрайди

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида Экологик билимлар куни муносабати билан тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари, экологлар, ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда табиатни асраш, унга салбий таъсирларни камайтириш, ўрмонзорларни кенгайтириш, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ барча таълим муассасаларида ёшларнинг экологик маданиятини оширишга қаратилган дарслар ўтилмоқда. Соҳага оид дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни ва соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Экологик муаммоларни бартараф этишда жамоатчилик, айниқса, ёшлар фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Коллеж ўқувчилари экология мавзусида саҳна кўринишлари, слайдлар намойиш этди.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CHEGARALOYIHA" масъулияти чекланган жамиятининг (ИНН 201059386) Устав фонди 504 642 096 (беш юз тўрт миллион олти юз қирқ икки минг тўқсон олти) сўмдан 503 342 046 (беш юз уч миллион уч юз қирқ икки минг қирқ олти) сўмгача камайтирилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 40-уй. Тел: 234-46-48

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **21 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг тўпланиб қолиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.00

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ